## Обунани ташкил этиш ва тарқатиш тўғрисида
## 7383-сонли ШАРТНОМА

Тошкент шаҳри 24 январь 2022 йил

Бир тарафдан Устав асосида фаолият юритаётган **«Mahalla» nashriyot-matbaa uyi» МЧЖ** (келгусида **“Жамият”** деб юритилади) номидан Бош директор **Абдусатторов.Б.А.**, иккинчи тарафдан __________ асосида фаолият юритаётган ______________ (келгусида **“Обуначи”** деб юритилади) номидан ______________________________ қуйидаги шартномани имзоладилар.

### I. ШАРТНОМАНИНГ МАЗМУНИ

**1.1.** Мазкур шартнома бўйича **“Жамият”** 2022 йил мобайнида белгиланган даврийликда ва миқдорда чоп этилган **“Mahalla”** газетаси ва **“Mahalla ko`zgusi”** журналини **“Обуначи”**га етказиб беради, **“Обуначи”** эса нашрларга обуна бўлади ва шартномада белгиланган миқдорда обуна ҳақини тўлайди.

### II. НАШРЛАРНИНГ ОБУНА БАҲОСИ

| № | Нашр номи | Формати, саҳифаси | Даврийлиги | Йиллик обуна баҳоси ҚҚС билан | Сони | Суммаси |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. | “Mahalla” газетаси | *А3; 24 саҳифада* | *Ҳафтада 1 марта, бир йилда 52 марта* | *600 000* | | |
| 2. | “Mahalla ko`zgusi” журнали | *А4, 64 саҳифада* | *Ҳар ойда бир марта, бир йилда 12 марта* | *400 000* | 1 | 400000 |
| | **Жами суммаси** | | | | | |

**Шартнома умумий суммаси:** ______________________________

### III. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

**3.1. “Жамият”нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:**

— **“Обуначи”**нинг нашрларга бўлган буюртмасини ўз вақтида сифатли етказиш;

— **“Обуначи”**дан обунага доир жамиятга тегишли бўлган(шартнома ва б.) ҳужжатларнинг бир нусхасини қайтариб беришни талаб қилиш;

— Чоп этилган нашрларни манзили бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш ҳудудий бошқармалари (кейинги ўринларда —ҳудудий бошқармалар) ҳамда туман (шаҳар) маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимлари (кейинги ўринларда —туман (шаҳар) бўлимлари)га юк-ҳужжати(накладная) асосида топшириш;

— Агар нашрлар даврийлиги ва ҳажмида ўзгариш бўлса “Обуначи”ни олдиндан огоҳлантириш;

— Етказиб берилган нашрлар ҳақиқатдаги обуна сонига нисбатан кам чиққан ҳолларда камомадни **“Обуначи”** фойдасига ижобий ҳал қилиб бериш.

**3.2. “Обуначи”нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:**

— Нашрларни ҳудудий бошқармалар, туман (шаҳар) бўлимларига ўз вақтида етказиб берилишини, етказиб бериладиган нашрларнинг сони тўлиқлигини **“Жамият”**дан талаб қилиш;

— Нашрларни (ўзи ёки вакили орқали) туман (шаҳар) бўлимларидаги масъул шахсдан ўз вақтида олиб кетиш;

— **“Жамият”** томонидан тақдим этилган обуна ҳужжатларини расмийлаштириб, **“Жамият”**га тааллуқли нусхаларини зудлик билан масъул шахсга қайтариш;

— Обуна ҳисоби ва маълумотини юритиш учун **“Обуначи”** шартномада ва тўлов ҳужжатларида ўз манзилини ва газета, журналга обуна сонини аниқ ва тўлиқ кўрсатиши шарт (тумани, маҳалласи номи, Ф.И.Ш. (фамиляси исми шарифини) ва телефони).



### IV. ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

**4.1.** *‘Обуначи ”* нашрларнинг **1 (бир) йиллик** обуна суммасини **100 фоиз “Жамият”** ҳисоб-рақамига олдиндан тўлаб беради.

**4.2. “Жамият”** нашрлар учун обуна пулини олдиндан 100 фоиз қабул қилиб олганидан сўнг нашрни белгиланган миқдорда чоп этади.

### V. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИКЛАРИ

**5.1.** Тарафлар амалдаги қонунчиликка асосан ўз зиммаларига олган мажбуриятлар учун жавобгардирлар.

**5.2.** Ушбу шартнома бўйича барча тушунмовчилик ва келишмовчиликлар музокара йўли билан ҳал этилади, тушунмовчилик ва келишмовчиликларни музокара йўли билан ҳал этишнинг имкони бўлмаган тақдирда амалдаги қонунчиликка биноан суд тартибида ҳал этилади.

**5.3.** Мазкур шартномада кўрсатилмаган бошқа айрим ҳолатлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал этилади.

### VI. ФОРС-МАЖОР

**6.1.** Мазкур шартнома имзолангандан сўнг томонларга боғлиқ бўлмаган ҳолда келиб чиқадиган, шунингдек, томонлар олдиндан кўра билиши ёки олдини олиши мумкин бўлмаган фавқулодда ҳолатлар (сув тошқини, зилзила, табиий офатлар, Ҳукуматнинг Тарафлар фаолиятига доир таъқиқловчи қарор, қонун ёки фармойишлари чиқиши, шунингдек, шартнома Тарафларининг ўзларига боғлиқ бўлмаган тарзда мажбуриятларини бажара олмасликлари) форс-мажор ҳолатлар саналади. Шартнома шартларининг тўлиқ ёки қисман бажарилмаслиги форс-мажор ҳолати туфайли келиб чиққанда узрли, деб ҳисобланади.

**6.2.** Форс-мажор ҳолатида бўлган тараф бошқа тарафни бу ҳақда 24 соат ичида хабардор этиши шарт.

### VII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

**7.1.** Шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилди, у имзо қўйилган кундан эътиборан кучга киради ва тарафлар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаргунига қадар амалда бўлади.

**7.2.** Мазкур шартнома муддати ва шартлари 2022йилнинг 31 декабрига қадар амал қилади.

### VIII. ТАРАФЛАРНИНГ МАНЗИЛ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

**“ЖАМИЯТ”**

**«Mahalla» nashriyot-matbaa uyi» МЧЖ**
Тошкент ш., Мустақиллик шоҳ кўчаси 59-уй
Х/р: **2020 8000 0001 9241 7001**
АТБ “Туронбанк” М.Улуғбек фил.
МФО: **01154**, ИНН: ***201 534 659,***
ОКЭД: ***58130***
Тел(факс): (71) 233-10-92, (71) 233-39-89, (97) 146 02 07
www.xolisnazar.uz
e-mail: xolisnazar@mail.ru

Бош директор ____________ (имзо) **Б.Абдусатторов.**
М.Ў.

**“ОБУНАЧИ”**

Манзил: ______________________
Х/р: ______________________
Банк: ______________________
МФО: __________ ИНН: __________
ОКЭД: ______________________
Тел(факс): ______________________

Раҳбар ____________ (имзо) ____________ (Ф.И.Ш.)
М.Ў.